



БОЛАЛАРДА УЧРАЙДИГАН ДИСПЕПСИЯ КАСАЛЛИГИНИНГ ОФИР АСОРАТЛАРИ

¹Д.Т. Исмоилов

²Ж.А. Абдухамидов

³Б.Б. Қамбаров

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8084681>

ARTICLE INFO

Received: 18th June 2023

Accepted: 26th June 2023

Online: 27th June 2023

KEY WORDS

Болаларда доимий ич кетиш, қайт қилиш, иштаха йўқолиши, инжиқлик, юрак етишмовчилиги, қизил тошмалар, иммунитет, холсизлик, бош оғриши, инжиқлик, микроорганизмлар, мева савзовотлар, ингичка ичак, қорин оғриши.

ABSTRACT

Болани ҳаддан ташқари иссиқ кийинтириш, ўраб чирмаш ҳам Диспепсияга сабаб бўлиши мумкин; иссиқлаб кетганда суюқликка эҳтиёж кучаяди, бола кўкракка ёпишиб олиб эма бошлайди, лекин эмган сути одатдагича бўлса ҳам, уни ҳазм қила олмайди.

ДИСПЕПСИЯ (дис... ва юн. *persis* — ҳазм) — овқат ҳазм қилишнинг бузилиши, меъда-ичак фоллятининг издан чиқиши билан кечади. Кичиклигимизда «нечта тишинг бўлса, шунча марта чайна» дейишарди. Ҳозиргача ҳазм қилиш билан боғлиқ маълумотга тўқнаш келсам, ана шу ўғит эсимга тушади.



Озуқа моддаларини парчалаб, уларни бошқа ҳазм аъзоларига етказувчи энг асосий аъзо - ошқозон ҳам баъзан «таътилга чиқишни истайди». Шунданми, анча «дангасалашиб» қолади. Меъданинг рисоладагидек ишлашдан «бош тортиши» тиббиётда функционал диспепсия ёки «дангаса ошқозон синдроми» дейилади. Одам ичагининг турли бўлимларида, масалан, ингичка ичакнинг пастки ва йўғон ичакнинг юқори бўлимида бижғитувчи микроблар, йўғон ичакнинг қуйи қисмида эса

чиритувчи микроблар кўп. Соғлом ичакдаги бижғиш ҳамда чириш жараёни маълум мўвозанатда бўлиб, касал қилмайди. Ана шу микроблар ўртасидаги нисбатнинг бузилиши Диспепсияга сабаб бўлади.

Болалар Диспепсияси уларни нотўғри овқатлантириш натижасида пайдо бўлиб, ич кетиши, қайт қилиш ва умумий аҳволнинг ёмонлашиши билан кечади. Асосан бир ёшгача бўлган болаларда учрайди. Диспепсиянинг А, Б ва В хиллари фарқ қилинади. А хилида организм сувсизланмайди, Б хилида бир оз сувсизланади, В хилида эса оғир сувсизланиш кузатилади. Диспепсия кўпроқ оддий ва токсик бўлади. Оддий Диспепсия ҳадеб эмизавериш (айниқса онанинг сути мўл бўлганида) ёки эмизиб юриб, бирдан сунъий овқатлантиришга ўтиш, овқат таркибининг бола ёшига мос келмаслиги туфайли пайдо бўлади. Болани ҳаддан ташқари иссиқ кийинтириш, ўраб чирмаш ҳам Диспепсияга сабаб бўлиши мумкин; иссиқлаб кетганда суюқликка эҳтиёж кучаяди, бола кўкракка ёпишиб олиб эма бошлайди, лекин эмган сути одатдагича бўлса ҳам, уни ҳазм қила олмайди. Бундан ташқари, боланинг меъда-ичак йўли анатомик функционал жиҳатдан ҳали яхши ривожланмаганлиги учун овқат ҳазм қилиши бузилади.



Бунда бола эмизилгач ёки овқат берилгач, бир оз вақтдан кейин эмган сутини ёки еган овқатини қушиб ташлайди, аксари ичи кетади. Қорин шишади, бола безовталаниб, иштаҳаси йўқолади. Касалликнинг дастлабки белгилари пайдо бўлганда дарҳол врачга мурожаат этиш лозим. Бола Диспепсиянинг А хили биланн оғриганда уни эмизаверилади, Б ва В хилида эса врач тегишли дори дармонларни буюриб, касалхонага ётқизишни тавсия этади. Токсик Диспепсия овқатланиш тартибига риоя этмаслик ва бактериал инфекция натижасида организмда моддалар алмашинувининг барча турлари, шунингдек, кўпгина аъзо ва системалар фаолиятининг жиддий бузилишлари билан кечади. Кўпинча касалликлар билан оғриб мадорсизланган, нимжон болаларда кузатилади. Баъзан токсик Диспепсия тўсатдан авж олади, беморнинг аҳволи ёмонлашади, бўшашади, инжиқ бўлиб қолади. Тез-тез ичи кетади, вазни тез камаяди, гоҳо бола хушдан кетади, қайт қилиб, ичи кетганлиги боис кўп сув йўқотиб, организм сувсизланиб қолади.

Беморнинг юзида ўзгариш, эс-хуши йўқола бошлайди, юрак фаолияти сусаяди; оғриқни сезмай қўяди, териси бўзаради ёки унда қизил доғлар пайдо бўлади. Томир уриши тезлашади, артериал босим тушиб кетади кома ҳолати кузатилади. Токсик Диспепсия бола ҳаёти учун жуда хавфли, бунда зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатиш зарур. Боланинг аҳволи бир оз енгиллашгач, жуда кам миқдорда зарурий парҳез овқатлар ёки оз-оз она сути ёки болалар кефири, ёғсиз қатиғ бера бошланади. Кейинчалик овқат миқдорини ошира бориш ва бир маромга етказиш,



орадан 6-8 кун ўтгач боланинг аҳолидан келиб чиқиб овқат микдорини кўпайтириш, шунингдек, анти-биотиклар, витами́нлар тавсия этилади. Парентерал Диспепсия, одатда, бирорта касаллик (отит, ўткир респиратор касалликлар, зотилжам) билан бирга кечади. Диспепсиянинг олдини олиш учун овқатланиш режимида қатъий риоя қилиш, болага ҳаддан ташқари кўп овқат бермаслик, овқатига оз-оздан мева ва сабзавот шарбатларини қўшиб бериш, боланинг иссиқлаб кетишига йўл қўймаслик керак. Катта кишиларда ҳам меъда ва ичак Диспепсияси (ёғ, оқсил ёки углеводлар кўплаб истеъмол қилинганда) кузатилиши мумкин. Касаллик қанча эрта аниқланса, бола организмидаги ўзгаришлар бартараф бўлади. Бунинг учун аёл фарзандларига эътиборлироқ бўлиши керак бўлади.

References:

1. Абдусамад Муйдинов Абдуқайом ўғли “ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ЗАТРАТ ЭНЕРГИИ НА ПЕРЕМЕШИВАНИЕ” Дата публикации 2022/6/21 Журнал Yosh Tadqiqotchi Jurnali Том 1 Номер 5 Страницы 375-380.
2. B. Soliyev, Y.G. Muydinova, G. K. Mukhammadova, D. T. Ismailov THE CONTRIBUTION OF THE FOUNDERS OF MEDICINE TO THE SCIENCE OF HYGIENE AND THE EMPIRICAL DATA THE COLLECTED Fergana Medical institute of Public Health <https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7862018>
3. Нодира Убайдуллаева Абдукаримова, Халима Ахматалиева Ганиева, Гулора Махаммадиевна Сафарова, Ёкудхон Гиязидиновна Муйдинова “Морфометрическая характеристика лимфоидных узелков (пейеровых бляшек) тонкой кишки в онтогенезе” Дата публикации 2020 Журнал Universum: медицина и фармакология Номер 2-3 (66) Страницы 4-4 Издатель Общество с ограниченной ответственность «Международный центр науки и образования»
4. Ашурова Манзура Джалолдиновна Муйдинова Ёкутхон Гиязидиновна Мухаммадова Гулбахор Кобилжон кизи ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ПОВЕДЕНИЕ И ВОЗДЕЙСТВИЕ ЗАГРЯЗНЯЮЩИХ ВЕЩЕСТВ В ВОДЕ BELARUS International scientific-online conference “INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE” Part 12 March 19th COLLETIONS OF SCIENTIFIC WORKS MINSK-2023
5. Ашурова М.Д., Ўктамова Ш.Н., Муйдинова Ё.Г., Мухаммадова Г.К. МЕЖДИСЦИПЛИНАРНАЯ ИНТЕГРАЦИЯ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ МЕДИЦИНСКОГО ВУЗА 124-128с Klinik va profilaktik tibbiyot jurnali 2023. № 1 JCPM ISBN 2181-353
6. Y. Muydinova, Rahmatlayeva Parizod Toxirjon qizi “TIRIK MAVJUDOTLARNI O’RAB TURGAN EKOLOGIK MUHITNING, INSON TOMONIDAN SALBIY TOMONGA O’ZGARISHI” 119-С Международный научный журнал № 9(100), часть 2 «Новости образования: исследование в XXI веке» апрель, 2023 г
7. М.Абдуллаева, Ё.Муйдинова, Ш.Тоиров “Влияние терапии экватором и тассироном на клиническую симптоматику и функциональное состояние эндотелия сосудов у больных неспецифическим аорто артеритом” Наука молодых. Научно-практический журнал Г.Москва 09.10.2015г 210 – 215 с



8. [РАБОТА ЖЕНЩИН В НЕБЛАГОПРИЯТНЫХ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ УСЛОВИЯХ ТРУДА И ИХ ВЛИЯНИЕ НА РЕПРОДУКТИВНОЕ ЗДОРОВЬЕ](#). Ф.Н.Қадиржанова М.Д.Ашурова, З. Ш.Қорғадиев, Ё.Г.Муйдинова 2023/3/22 Журнал Finland International Scientific Journal of Education
9. Mudinova Yokutkhan Giyazidinovna Mukhammadova Gulbakhor Kobiljon kizi Ismoilov Dilmurod Tavakkaljon o'gli "GLOBAL PROBLEMS OF LABOR PROTECTION IN AGRICULTURE» 11-13с INDIA INTERNATIONAL SCIENTIFIC ONLINE CONFERENCE Part 7 March 21st COLLETIONS OF SCIENTIFIC WORKS NEW DELHI
10. Ашурова М.Д., Муйдинова Ё., Исмоилов Д., Ахмедов Р., Мухаммадова Г. ВОЗМОЖНОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ ТЕХНОЛОГИИ ПРОБЛЕМНО-ОРИЕНТИРОВАННОГО ОБУЧЕНИЯ (ПОО) В ПРАКТИКЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ГИГИЕНИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН. 52-55 Для цитирования: ЖКМП.-2022.-Т.-№1.-С Поступила: 25.03.2022
11. Исмоилов Дилмурод Таваккалжон угли Солиев Бахтиёр Ахмаджонова Шахло Валижон кизи ПРОИЗВОДИТЕЛЬНОСТЬ SOUS VIDE: ОПТИМАЛЬНЫЙ ПОДХОД К ОБЕСПЕЧЕНИЮ МИКРОБИОЛОГИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ПИЩЕВЫХ ПРОДУКТОВ 36-41с BELARUS International scientific-online conference "INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE" Part 12 March 19th COLLETIONS OF SCIENTIFIC WORKS MINSK-2023
12. ГИЖЖАЛАРНИНГ ОРГАНИЗМГА ТАЪСИРИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА ТАДБИРЛАРИ Д.Т. Исмоилов, Ж.А.Абдухамидов, Б.Б.Қамбаров EURASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES Innovative Academy Research Support Center www.in-academy.uz Volume 3 Issue 6, June 2023 ISSN 2181-287X Page 232
13. Влияние терапии экватором и тессироном на клиническую симптоматику и функциональное состояние эндотелия сосудов у больных неспецифическим аорто-артериитом Текст научной статьи по специальности «Клиническая медицина» Абдуллаева М.А. Муйдинова Е.Г. Таиров Ш.М.
14. <https://modehed.uz>.
15. <https://www.physiome.CZ/>
16. <https://www.studmedlib.ru>
17. <https://www.@.mail.uz>